# Qishloq hayoti

2014 йил Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 14-NOYABR, JUMA, 136 (8373)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## СОҲА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЁРҚИН КЎЗГУСИ

**Фаровон ва тўкис ҳаётнинг асосий мезонларидан бири – бу инфратузилма тармоқларининг тараққиётидир. Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда транспорт – коммуникация салоҳияти мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Йўл ва транспорт коммуникациялари тизимидаги бунёдкорлик ишлари мамлакатимизнинг жаҳон бозорига фаол интеграциялашувига, ҳудудлар инфратузилмасини тубдан яхшилашга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётир.**





Бу жараёнда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўргазмалар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, айни кунларда пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да ташкил этилган "Транспорт ва логистика – TransUzbekistan – 2014" XI халқаро кўргазмасида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассамлашган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси, Халқаро экспедиторлар уюшмаси ва "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳа тараққиётининг ёрқин кўриниши намоён бўлмоқда.

Кўргазмада Ўзбекистон, Хитой, Германия, Италия, Беларусь, Грузия, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Эрон, Латвия, Литва ва Россиядан элликдан зиёд компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашмоқда.

Кўргазмада иштирокчилар ўзларини қизиқтирган маҳсулотлар ва хизматлар билан танишмоқдалар. Янги ҳамкорлар орттиришиб, истиқболли битим ва келишувларга эришмоқдалар.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2014 йил 13 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.**

Сенаторлар ўз ишларини **Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлаш тўғрисидаги** масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Мажлисда қайд этилганидек, бозор ислоҳотлари, давом этаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришлар шароитида 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари макроиқтисодий барқарорликни ҳамда мамлакат ЯИМ юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашга, диверсификация қилинган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилганлиги стратегик аҳамиятга эга. Ушбу мақсадларга эришиш учун 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари иқтисодий ҳамда солиқ-бюджет сиёсатини янада модернизациялаш, бозор ислоҳотлари ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлари, мақсадлари ҳамда вазифалари асосида ишлаб чиқилган.

Муҳокама асносида келаси йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайтиришдан, солиқ солиш тизимини соддалаштиришдан, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлашдан ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришдан иборат бўлиб қолаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Солиқ юкини янада камайтириш бўйича энг муҳим чоралардан бири сифатида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш назарда тутилмоқда, натижада юридик шахслар ихтиёрида қўшимча равишда 89,4 миллиард сўм қолади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига тушадиган солиқ юкини камайтириш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар, фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини 25 фоиздан 15 фоизгача пасайтириш таклиф қилинмоқда. Шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналар бўлмиш қурилиш ташкилотлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш таклиф қилинмоқда. Бундан ташқари, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солишнинг тўрт босқичли шкаласи жорий этилмоқда. Бу шкала даромадларнинг биринчи гуруҳи (энг кам иш ҳақининг бир бараваригача) бўйича ноль ставкасини белгилашни назарда тутади. Мазкур чора ўртача иш ҳақидан кам ёки ўртача иш ҳақи даражасида даромад оладиган жисмоний шахсларга тушадиган солиқ юкини камайтиришга қаратилган.

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатини муҳокама қилиш асносида сенаторлар томонидан ижтимоий соҳа харажатларини кўпайтириш тамойили сақланиб қолаётганлиги қайд этилди. Чунончи, Давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари жорий йилдагига нисбатан келаси йилда 1,2 баравар кўпаяди. Хусусан, мамлакат олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқув-лаборатория корпусларини, шунингдек, тиббиёт муассасаларини қуришни, реконструкция қилишни, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашни молиялаштиришга катта миқдорда маблағ йўналтирилади. Давлат бюджетидан 138 та соғлиқни сақлаш объектини қуриш ва батамом замонавий техника билан жиҳозлашга 495 миллиард сўм, 246 та умумтаълим мактабини, 42 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежини реконструкция қилишга, шунингдек, 246 та ўрта ва ўрта махсус таълим муассасасини мукаммал таъмирлашга 479 миллиард сўм ажратиш назарда тутилган. 72 та туман тиббиёт муассасаси қурилади. Умуман, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялашга қилинадиган давлат харажатларининг ўсиши 2014 йилдагига нисбатан қарийб 22 фоизни ташкил этади.

Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга, шу жумладан, қишлоқ жойларда янги ташкил этилаётган уй-жой массивларини сув билан таъминлаш объектлари қурилишига зарур маблағлар ажратилади.

Умуман, 2015 йилги Давлат бюджетида, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларида ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай ошириб бориш назарда тутилмоқда. Бунга иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар миқдорини инфляция суръатларидан юқори даражада ошириб бориш йўли билан, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг манзиллилигини кучайтириш, бюджетлараро муносабатлар тизимини янада ислоҳ қилган ҳолда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетлар даромад базасини кенгайтиришдан ҳамда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашдан манфаатдорлигини ошириш ёрдам беради.

Сенаторларнинг чиқишларида 2015 йилги Давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳамда солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг параметрлари, умуман, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва аҳоли фаровонлигини изчил ошириб боришнинг стратегик дастурига мос эканлиги кўрсатиб ўтилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**




► Пойтахтимизда тадбиркор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича маслаҳат маркази иш бошлади. Касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган йигит-қизларнинг бизнесга оид билимларини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган мазкур марказда ёшларга ҳуқуқий, иқтисодий, ахборот технологиялари, маркетинг, давлат ташкилотлари билан ишлаш йўналишларида "тенгдош – тенгдошга" тамойили асосида ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатилади.

► **Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг Жиззах вилояти босқичида 80 нафар қиз адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишлари бўйича ўз истеъдод ва салоҳиятини намойиш этди.**

► Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда банкларнинг ўрнига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юзасидан маълумотлар берилди.

► **Бухорода "Созлар навоси" ёш мусиқа ижрочилари кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

## ТАШАББУСКОР ЁШЛАР САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

**Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» республика кўргазмаси очилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган ёш тадбиркор, ҳунарманд ва фермерлар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.**

Тадбир Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтказилмоқда. Ярмарка Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари "Ҳунарманд" уюшмаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, қатор вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва ҳунармандлик ривожланиб, иқтисодиётимизнинг ушбу секторида фаолият юритаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу борада яратилаётган шароит ва имкониятлар самарасида аксарият ёшлар ўз фаолиятини йўлга қўйиб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда, турли хизматлар кўрсатаётир. Ҳудудий ва республика миқёсида ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма ёшларимизнинг тажриба ва ютуқларини оммалаштириш, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган қизиқишини кучайтириш, ташаббускорлик, бунёдкорлик ва ижодий фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Кўргазманинг ҳудудий босқичларида 780 нафар ёшлар иштирок этди. Республика босқичида ҳар бир вилоятдан 35 ёшгача бўлган 4 нафар энг яхши тадбиркор, 2 нафар фермер ва бир нафар ҳунарманд қатнашмоқда.

Кўргазманинг очилишида ёшлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этилаётгани самарасида ўз иқтидор ва имкониятини намоён этаётгани, ташаббускорлиги, ишбилармонлиги, интилувчанлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлаётгани таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикасининг "Aydin Awlad" масъулияти чекланган жамияти кўргазманинг доимий иштирокчисидир. 2009 йилда ташкил этилган ушбу корхона жалюзи ва металл буюмлар ишлаб чиқармоқда. Бундан ташқари, 10 гектар ерда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Корхона директори ўринбосари Исломбек Худойбергановнинг таъкидлашича, бир йилда қиймати 930 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда товарларни яқин хориж бозорларига етказиб бериш бўйича музокаралар олиб борилаётир.

Кўргазмада Наманган вилояти ёшлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кенг тақдим этилган. Чунончи, "Namangan Porloq Ta'mirlash Servis" масъулияти чекланган жамияти "Ko'k Saroy" савдо белгиси остида лок-бўёқ маҳсулотлари, шпатлёвка ва қурилиш елимлари, "Maxsus metal sanoat" масъулияти чекланган жамияти эса турли газ ва кислород баллонларини намойиш қилмоқда.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАРОВОНЛИК ДАРАЖАСИНИ МУНОСИБ БАҲОЛАМОҚДА

***2014 йил 4 ноябрь куни нуфузли «Legatum» халқаро институти (Буюк Британия) ҳар йили янгиланиб борадиган Дунё мамлакатларининг фаровонлик индексини эълон қилди. Бу индекс дунёнинг 142 мамлакати, ер юзи аҳолисининг 96 фоизини ва жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 99 фоизини қамраб олган. Бутун дунёда эътироф этилган усуллар асосида «Legatum» институти томонидан ишлаб чиқилган ушбу фаровонлик индекси аҳоли фаровонлиги учун шароит яратиш борасида 89 кўрсаткич бўйича дунё мамлакатларининг ютуқларини ифода этади.***

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, халқимиз фаровонлигини изчил оширишга қаратилган алоҳида эътибор туфайли Ўзбекистон жаҳон фаровонлик рейтингида яна бир бор юқори поғонага кўтарилди. «Legatum» институти экспертлари томонидан ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра, Ўзбекистон мазкур рейтингда 57-ўринни эгаллади ва бир йил ичида олти поғона юқорига кўтарилди (2013 йилда 63-ўрин эди).

Бунинг самарасида Ўзбекистон Республикасининг фаровонлик борасидаги бу йилги рейтинги Греция, Руминия, Украина, Мексика, Россия, Индонезия, Сербия, Озарбайжон, Грузия, Туркия ва бошқа кўплаб давлатлар рейтингидан ошиб кетди.

«Legatum» институти мамлакатнинг иқтисодиёт даражаси, тадбиркорлик фаолияти, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш тизими, фуқаролар хавфсизлиги даражаси ва ижтимоий капитал каби асосий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда рейтингларни аниқлайди.

Ўзбекистоннинг умумий рейтинги 2010 йилга нисбатан 19 позицияга, «иқтисодиёт» кўрсаткичи бўйича эса 41 позицияга кўтарилди. Бу мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси, аҳолининг иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболларига ишончи, сўнгги 5 йилда иқтисодий тараққиётда ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, шунингдек, банк ва молия тизимининг ишончлилиги каби кўрсаткичлар юқори даражага кўтарилгани самарасидир.

Рейтинг тузувчилар ўз бизнесини ташкил этиш учун бошланғич маблағ даражасининг пастлиги, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун жозибадорлик, аҳолининг молия институтларига ишончи каби кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонни дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киритди.

Рейтинг тузувчилар фикрига кўра, мамлакатимиз умумлаштирилган «ижтимоий тараққиёт» кўрсаткичи бўйича дунёда 16-ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. Ўзбекистон ўрта таълим билан қамраб олиш, таълим сифати, соғлиқни сақлаш тизими, юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, узоқ умр кўриш даражаси, шунингдек, болалар ўлимининг пастлиги, кам сонли миллатларга нисбатан бағрикенглик, оилаларнинг барқарорлиги каби йўналишлар бўйича юқори ижтимоий кўрсаткичларга эга.

Ўзбекистон аҳоли ҳуқуқларининг кафолатлангани, ҳукуматга, мамлакат мудофаа қобилиятига ишонч, болаларнинг таълим олиш имкониятлари, тўйиб овқатланиш, санитария шароитлари, шахсга ва аҳоли мулкига нисбатан жиноятчиликнинг пастлиги ва бошқа қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган.

Нуфузли халқаро институт томонидан берилган ушбу холисона баҳо ҳақли равишда истиқлолнинг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга ошириб келинаётган изчил ислоҳотлар самараларини, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини мутассил ошириш, мамлакатимизни изчил ривожлантириш учун барқарор иқтисодий шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини акс эттиради.

Рейтингни тузишда БМТ, Жаҳон банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва таҳлил институтларининг объектив маълумотлари, шунингдек, «Legatum» институти томонидан ўтказиб келинаётган ижтимоий тадқиқотлар асосий манба бўлиб хизмат қилгани эътиборга олинадиган бўлса, Ўзбекистоннинг фаровонлик индекси бутун халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳолангани ишонч билан қайд этишимиз мумкин.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



**(Боши 1-саҳифада)**

Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Сенаторлар ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг бутун салоҳиятини ишга солиш, демографик омилларни ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришнинг самарали шаклларини ривожлантириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган **2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини** ҳам кўриб чиқиб, маъқулладилар.

Ушбу Дастур «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларини, аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг тамойиллари, устувор йўналишларини, тегишли мақсадли дастурлар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги кўрсатиб ўтилди.

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг прогноз параметрлари 2011-2015 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига, инвестиция дастурлари ва бошқа мақсадли дастурларга мувофиқ тузилган. Улар иш ўринларини кўпайтиришга, бандлик даражасини ўстиришга ҳамда унинг ҳудудий тузилмасини такомиллаштиришга йўналтирилган. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни, қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишини ҳамда қурилишда пудрат ишларини ривожлантириш дастурлари рўёбга чиқарилиши, кўп тармоқли фермер хўжаликлари янада ривожлантирилиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши модернизация қилиниши ва бошқалар билан боғлиқ ҳолда меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва уни таклиф қилишнинг мувозанатлилигини таъминлаш вазифалари белгиланган. Ташкил этилаётган иш ўринларининг сақланиб қолиши ва барқарор амал қилишини, банд бўлмаган аҳолини, касб-ҳунар коллежларини битирувчиларни, хотин-қизларни, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган бошқа тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган. Бунда кичик бизнеснинг иш ўринлари ташкил этишдаги ролини оширишга, айниқса, мумкин қадар қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит ва моддий хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжатларга мувофиқ оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига оширишга катта эътибор берилган.

Дастурни рўёбга чиқариш доирасида 2015 йилда мамлакатимизда 987,5 мингта иш ўрни, шу жумладан, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ишламаётган корхоналарни қайта тиклашнинг мақсадли дастурларига мувофиқ 261,6 мингта иш ўрни ташкил этиш, шунингдек, кичик корхоналар ва микрофирмаларда, якка тадбиркорлик ва касаначилик соҳасида, фермер ва деҳқон хўжаликларида 725,9 минг нафар одамнинг бандлигини таъминлаш назарда тутилмоқда. Мамлакатнинг олис туманларида иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

2015 йилда Дастур параметрларига мувофиқ ташкил этиладиган янги иш ўринларига, шунингдек, мавжуд бўш ва захира қилинадиган иш ўринларига касб-ҳунар коллежларининг 487,7 минг нафар битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган.

2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрлари сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида унинг республика туманлари ва шаҳарлари, иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналар кесимида рўёбга чиқарилишининг мунтазам ва тизимли мониторинги ташкил этилади.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган **«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини** кўриб чиқдилар. Мажлисда амалдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ўрнига қабул қилинаётган янги қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишининг қўшимча кафолатларини таъминлаб беришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Мурожаатларни замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда киритиш имкониятини ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйилганлиги ҳам қонуннинг муҳим янгилиги бўлди.

Сенаторлар фикрича, қонуннинг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини оширишга, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини бутун чоралар билан таъминлашга, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар ўз вақтида ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқилиши учун жавобгарлигини кучайтиришга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Олий Мажлис палаталари томонидан 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган **«Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини** (янги таҳрири) кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, қонуннинг асосий қоидалари хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг инвестиция жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга инвестицияларни амалга ошириш учун қўшимча рағбатлантириш чоралари ва шарт-шароитларини яратишга йўналтирилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда инвестиция муҳити янада яхшиланишига, инвесторлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошишига, инвестиция фаолиятида давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга, шунингдек, хусусий инвестицияларни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**



# СОҲА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЁРҚИН КЎЗГУСИ

**(Боши 1-саҳифада)**

"TransUzbekistan – 2014" халқаро кўргазмасида мамлакатимиздаги йирик замонавий "Universal Logistics Services" темир йўл контейнер терминали ҳам илк бор иштирок этмоқда. Бу компанияда асосан вагон ва контейнерлар ҳамда ҳажми катта бўлмаган юклар билан амалга ошириладиган ишлар олиб борилади.

– Мамлакатимизда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти, – дейди кўргазма иштирокчиси "Universal Logistics Services" қўшма корхонаси товар кассаси мудири Нодир Акрамов. – Транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланишида юртимизда яратилган қулай сармоявий муҳит, соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Компаниямиз жорий йилнинг май ойида ишга тушди. Қисқа вақт ичида бир неча халқаро ва мингдан зиёд маҳаллий ҳамкорлар билан шартномалар имзолашга эришдик. Келажакда терминалдаги техникалар сонини кўпайтириб хизмат турларини ҳам оширишни ният қилганмиз. Мазкур кўргазмада биз ҳамкорликни янада кенгайтириш, тажриба ва малака ошириш имконига ҳам эга бўлмоқдамиз.

– Темир йўлни иқтисодиётнинг қон томирига менгзашади, – дейди Хитойнинг "Sinochain Logistics" компанияси маркетинг бўйича минтақавий директори Луис Лу. – Албатта, йўллар ҳудудларни, мамлакатларни боғловчи кўприкдир. Фаолиятимизда бу иборанинг нақадар тўғрилигини кўриб келяпмиз. Компаниямиз темир йўл логистикаси бўйича хизматлар кўрсатади. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкоримиздир. Ўзбекистонда темир йўл соҳасида амалга оширилган ўзгариш ва янгиланишлар, улкан бунёдкорлик ишлари ҳар жиҳатдан эътирофга лойиқ. Соҳани ривожлантириш, юк ва йўловчи ташишда хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашга катта эътибор қаратилаётганлиги туфайли темир йўл тармоғи замонавий транспорт тизимига айланган. Ўзбекистоннинг марказий қисмини Фарғона водийси билан боғлайдиган янги темир йўл линиясининг ишга туширилиши эса Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қадимий савдо йўли бўлган Буюк ипак йўлини қайта тиклаш борасида муҳим қадам бўлишига ишонаман. Бу нафақат Ўзбекистон учун, балки Буюк ипак йўлидаги бошқа давлатлар учун ҳам ҳамкорликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

– Компаниямиз асосан Осиё ва Европа мамлакатлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради, – дейди Грузиянинг "Транс Кавказус Терминалс" шўъба компанияси маркетинг бўлими ходими Нина Капанадзе. – Ўзбекистонда сўнгги йилларда олиб борилаётган транспорт коммуникациялари ва логистика соҳасидаги ислоҳотлар Осиё минтақасида бу борада етакчи ўринларни эгаллашига сабаб бўлди. Юртингизда божхона хизматлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу эса халқаро муносабатларда муҳим аҳамиятга эга.

– Халқаро ташувларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг географик шароити ва жойлашуви жуда қулай, – дейди Ҳиндистоннинг "Lark Logistics" компанияси ҳудудий менежери Абдул Ханиф. – Бугунги кўргазмада эса мана шундай имкониятлар янада ёрқин кўринмоқда.

Сирасини айтганда, ушбу кўргазма соҳанинг янги техника ва технологиялар, янги ишланмалар, инновацион ечимлар, амалий тажрибалар билан бойишига хизмат қилади ҳамда хориж сармояларининг кириб келишига шароит яратади. Ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

**Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ**
*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

Хоразм Вилояти

*Кейинги йилларда Боғот туманида саноат соҳаси кескин ривожланмоқда. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган "Коттонтех", "Коботех" қўшма корхоналари, "Асака инвестмент" масъулияти чекланган жамиятининг ишга туширилиши касб-ҳунар коллежларини тамомлаган юзлаб ёшларни иш билан таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш имконини бермоқда.*

# ЯНГИ КОРХОНАЛАР – ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг "2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори асосида бу жараёндаги ишлар янада изчиллик билан олиб борилаётир. Хусусан, мустақиллигимизнинг 23 йиллик тўйи арафасида тадбиркор Бахтиёр Матёқубов саъй-ҳаракати билан Бешариқ қишлоғида 1000 тонна сиғимли совиткич ишга туширилгани, туман марказида тадбиркор Муҳаммаджон Абдиримов ташаббуси билан 10 турдан ортиқ иформли атирсовун ва шампунлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани яна кўплаб янги иш ўринлари яратилишига омил бўлди. Шунингдек, яқин кунлар ичида "Хоразм текстил" фабрикаси тўла қувват билан ўз фаолиятини бошлагач, бу ерда 220 нафардан ортиқ ёшлар иш билан таъминланади.

Умуман олганда, туманда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида шу мақсадда ишлаб чиқилган дастур асосида 4179 та янги иш ўринлари яратилди. Бу борада белгиланган режа 103,5 фоизга бажарилди. Жумладан, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини ошириш ҳисобига 106 та, янгидан ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳисобига 726 та, Қулонқорабоғ қишлоғида Маданият ва истироҳат боғининг ишга туширилиши натижасида 14 та, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 287 та, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 718 та, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларда қўшимча тармоқ сифатида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби соҳаларни ташкил қилиш натижасида 2179 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, Боғот туманида ташкил қилинган меҳнат ярмаркаларида 50 га яқин корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан қатнашди. Унда иштирок этган 300 нафардан ортиқ фуқародан 250 нафари муқим иш ўрнига эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларида бошланган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилмоқда.

**Мансур БОЛТАЕВ,**
*Боғот тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори.*

# ТАШАББУСКОР ЁШЛАР САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Халқ усталари томонидан тайёрланган бежирим маҳсулотлар кўпчилик эътиборини тортмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидан ҳунарманд Азиза Шарипованинг гилам буюмлари гўзаллиги, бежиримлиги ва пишиқлиги билан ажралиб турибди. Тошкент вилояти Қибрай туманидан ёғоч ўймакори Шавкат Юсупов намойиш этаётган нақшинкор мебеллар, моҳирона ишланган ғаладонлар, китоб жавонлари, қаламдон, шахмат тахтаси, панно, деворий безак ликопчаларини хорижда ҳам яхши билишади.

– Ҳар йили қиймати 100 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот тайёрлаймиз, – дейди "Ташаббус – 2013" республика кўрик-танловининг "Йилнинг энг ёш тадбиркори" номинацияси ғолиби Ш.Юсупов. – Ёғоч ўймакорлиги билан 10 йилдан буён шуғулланаман. Моҳир усталардан ёғоч ўймакорлиги сирларини ўргандим. Айни пайтда "Уста-шогирд" анъанаси бўйича йигирмадан ортиқ ёшларга ёғоч ўймакорлигини ўргатмоқдаман. Шогирдларим орасида имконияти чекланганлар ҳам бор.



"Ватан тараққиётига менинг ҳиссам" кўргазмасида янги лойиҳа ва хизмат турларини тақдим этадиган молия-банк муассасалари, консалтинг марказлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятига бағишланган алоҳида стендлар ҳам ўрин олган. Кўргазманинг яна бир эътиборли жиҳати, ёш тадбиркорлар, ўз бизнесини энди йўлга қўяётган ёки режалаштираётган иштирокчилар учун фойдали ўқув-семинарлари ҳам ташкил этилмоқда.

Икки кунлик кўргазма якунида "Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори", "Йилнинг энг яхши ёш фермери", "Йилнинг энг яхши ёш ҳунарманди" номинацияларида ғолиблар аниқланиб, диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Сурхондарё Вилояти

▼ САЙЛОВ – 2014

# ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК – АСОСИЙ МЕЗОН

***Президентимиз раҳнамолигида сайлов ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.***

**Тўра БОБОЛОВ,**
*Сурхондарё вилояти сайлов комиссияси раиси.*

Сурхондарё вилоятида ҳам жорий йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ушбу муҳим сиёсий жараённи очиқлик руҳида ўтказишга оид кўрилаётган барча чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида уни амалдаги қонунларимизга мос ошкоралик тамойиллари асосида юқори савияда ўтказиш учун давра суҳбати, семинар ва бошқа тадбирлар ташкил этилмоқда. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда ўтказилаётган бундай тадбирларда сиёсий партияларнинг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари раислари ва масъул ходимлари, туман, шаҳар сайлов комиссияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этаётир. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида бўлажак сайловлар ва уни ўтказиш тартиб-таомилларини кенг ёритиш ҳамда аҳоли хабардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қонунларимизда сайлов кампанияси даврида сайловчиларга сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига оид ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқлари ҳам берилган. Шунга мувофиқ, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси таркиби шакллантирилди. Округ сайлов комиссиялари раиси, раис ўринбосари, аъзолари шахсий таркиби тасдиқланиб, матбуотда эълон қилинди.

Сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 9, халқ депутатлари вилоят кенгашига 55, туман, шаҳар Кенгашларига 410 округ сайлов комиссиялари тузилиб, уларга 705 та сайлов участкаси бириктирилди. Округ сайлов комиссиялари сайловга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фаолиятини қонунда белгиланган ваколат ҳамда муддатларда режа асосида амалга ошираётир. Вилоят сайлов комиссияси ва барча округ сайлов комиссиялари соҳага оид қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, зарур замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланди. Сайлов комиссиялари таркиби, округ харитаси, иш режаси ва навбатчилик жадвали бинонинг кўринарли жойига осиб қўйилди.

Бўлажак сайловларнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 11-моддасида шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тақдим этиши тўғрисида қарор қабул қилишга доир ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Сайлов участкаларини шакллантиришда фуқаролар йиғинлари фаоллари яқиндан кўмаклашиб, ҳудудда обрў-эътиборга эга, эл ҳурматини қозонган, маҳаллада муқим яшаётган ва сайлов қонунчилигидан хабардор партиясиз фуқароларни участка сайлов комиссияси аъзолигига тавсия этди. Сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар учун етарли қулайликлар яратиш борасидаги ишлар якунланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунинг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир. Ушбу қонунда Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалиги ҳам алоҳида белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва маҳаллий Кенгашларга сайланиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Унга кўра, сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари маҳаллий Кенгашларга депутат этиб сайланиш ҳуқуқига эга. Сайловларда қатнашиш ҳуқуқи берилган тўртта сиёсий партия маҳаллий Кенгашлар депутатлигига ўз номзодларини кўрсатмоқда.

Мухтасар айтганда, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур қулайликлар яратилаётгани юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**(ЎзА)**

▼ МУТАХАССИС ТАВСИЯЛАРИ

# КУЗ ҲАЙДА ВА СОЗ ҲАЙДА

**Бободеҳқон айтади: Кузги шудгор – бошқаси бекор. Негаки, қуёшли кунлар кам қолди. Ер музласа, шудгор сифати бузилади. Қолаверса, кузда шудгор қилинган дала қишда тиним олади. Тупроқ бегона ўт уруғлари ва зараркунандалардан тозаланади. Шу сабаб бўлса керак, замин кузги шудгордан умидвор бўлади. Экинлардан мўл ҳосил етиштиришда кузги шудгорнинг аҳамияти катта. Ота-боболаримиз “Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда”, деб бекорга айтишмаган. Зеро, сифатли ўтказилган кузги шудгор келгуси йил ҳосилига пухта замин яратади.**

**Тракторларни шайлаш.** Занжирли тракторлар осма плуглар билан ишлатилганда уларнинг осиш қурилмалари икки нуқтали схема бўйича созланиши лозим. Бунинг учун пастки бўйлама тортқиларнинг олдинги учи трактор осиш қурилмасининг пастки кўндаланг ўқидаги битта шарнирга маҳкамланади. Ушбу шарнирни кўндаланг ўқда ўнг томонга суриб, плугнинг тортиш чизиғи трактор оғирлик марказининг изидан ўтишига эришилади.

**Плугларни созлаш.** Ғилдиракли тракторларга плугларни осишдан олдин улар осиш қурилмаларининг чегараловчи блоклари пастки тортқиларини эркин юришига имкон берадиган ҳолатда ўрнатилган ҳамда тракторнинг ўнг ва чап ғилдиракларидаги ҳаво босими бир хил бўлиши керак.

Далага чиқишдан олдин ҳар бир плуг текис майдончага ўрнатилиб, кўрикдан ўтказилади. Бунда барча иш органларининг мавжудлиги, лемехлар тиғларининг ўткирланганлиги ва майдонча юзасига параллеллиги, лемехлар учи бу юзага бирдек тегиб туриши, улар орасидаги масофаларнинг бир хиллиги ҳамда дала тахталарининг ҳаракат йўналишига параллеллиги текширилади. Бунда алоҳида лемехнинг учи майдончадан кўпи билан 10 мм. кўтарилиб туриши мумкин.

Лемехларнинг шакли ва ўлчамлари андоза билан текширилади: бунда лемех тиғининг узунлиги андоза ўлчамларидан 15 мм, елкасининг узунлиги 10 мм. ва эни 5 мм. гача катта ёки кичик бўлиши мумкин; ағдаргич ва лемехнинг дала томонидаги четлари бир тик текисликда ётиши лозим. Ағдаргич дала четининг юқориги нуқтасининг эгат томонга кўпи билан 10 мм. оғишига рухсат этилади. Лемехнинг ағдаргич билан туташган жойида кўпи билан 1 мм. тирқиш бўлишига йўл қўйилади; шу жойда лемех ағдаргичдан кўпи билан 2 мм. кўтарилиб туриши мумкин; ағдаргичнинг лемехдан кўтарилиб туришига йўл қўйилмайди. Бу шартлар бажарилмаса, корпусга тупроқ ёпишиб, плугнинг тортишга қаршилиги ошиб кетади.

> Ерларни сифатли ва юқори унум билан шудгорлашга эришиш учун трактор ва плуглар олдиндан ишга шай ҳолга келтирилиши, далалар эса ҳайдовга тайёрланган бўлиши, ҳайдов тўғри ташкил этилиши ҳамда унинг сифати доимо назорат қилиниши лозим.



Икки ярусли плугларда юқоридаги ярус корпуслари пастки ярус корпусларига нисбатан 45-55 см. олдинга жойлаштирилади. Ҳайдов чуқурлиги 30 см. бўлганда юқоридаги ярус корпуслари брусга нисбатан пастки, 30 см. дан кўп бўлса – тепадаги ҳолатга созланади.

Юқоридаги ишлар бажарилгандан кейин тупроқнинг ҳолатига қараб ҳайдаш чуқурлиги созланади. Бунга плуг таянч ғилдирагини баландлик бўйича силжитиб эришилади.

Плуг рамасининг бўйлама ва кўндаланг текисликларда оғиши корпусларнинг тупроққа нотекис ботишига олиб келади. Шунинг учун плуг рамаси иш жараёнида дала юзасига параллел жойлашган бўлиши керак. Бунга тракторнинг осиш қурилмасини тўғри созлаш йўли билан эришилади. Раманинг бўйлама оғиши трактор осиш қурилмасининг юқориги марказий тортқисини узайтириб ёки қисқартириб, кўндаланг оғиши эса пастки бўйлама тортқилар кашаклари узунлигини ўзгартириб тузатилади.

Пахта далаларини ҳайдашда ЦД-100, М-165 ва EurOpal 7 плугларининг қамраш кенглиги 180 см. бўлиши керак. Шундагина бутун пайкал бўйлаб тупроқнинг бир хил чуқурликда ва бир текис ҳайдалиши, бегона ўтлар ва ўсимлик қолдиқларининг чуқур кўмилиши таъминланади.

Плуг далада ишлай бошлаганда рамасининг дала юзига параллеллиги ҳамда биринчи корпуснинг қамров кенглигини текшириб кўриш лозим. Акс ҳолда плуг корпуслари тупроққа нотекис ботади, биринчи корпус қамров кенглиги қолган корпуслар қамров кенглигидан фарқ қилса ҳайдов юзаси нотекис чиқади.

Агар плуг рамаси бўйлама йўналиш бўйича олдинга оғган бўлса, трактор ўрнатиш қурилмаси марказий тортқиси узайтирилади, акс ҳолда – қисқартирилади. Раманинг кўндаланг йўналиш бўйича оғиши трактор ўрнатиш қурилмаси пастки тортқилари кашакларини қисқартириш ёки узайтириш йўли билан созланади.

Плуг биринчи корпусининг қамраш кенглиги бошқа корпусларга нисбатан катта бўлса, плуг тракторга нисбатан чап томонга, кичик бўлганда эса ўнг томонга сурилади.

Ғилдиракли ҳайдов тракторларидан фойдаланилганда биринчи корпуснинг қамраш кенглигини тракторнинг орқадаги ғилдираклари орасидаги масофани ўзгартириб тўғрилаш мумкин.

**Ерларни ҳайдовга тайёрлаш.** Ҳайдашдан олдин далалар ғўзапоя ва бошқа ўсимлик қолдиқларидан тозаланиши, далаларнинг бегона ўт босган жойларига гербицидлар сепилиши, сўнгра белгиланган миқдордаги маҳаллий ва минерал ўғитлар солиниши лозим.

Далаларни кўп йиллик бегона ўтлардан тозалаш учун тупроқ олдин ағдаргичи олиб ташланган плуглар билан 18-20 см. чуқурликда юмшатилади, ўтлар кейин чизел-культиваторлар, чопиқ культиваторлари ва бороналар билан йиғиб олиниб, дала ташқарисига чиқариб ташланади.

Ерларни сифатли ва кам харажат сарфлаб ҳайдаш учун тупроқнинг намлиги 16-18 фоиз атрофида бўлиши зарур. Ана шундагина тупроқ яхши майдаланади, техника иш органларига ёпишмайди, ёнилғи сарфи камайиб, агрегатнинг иш унуми ортади.

**Шудгорни ташкил этиш.** Ерларни ПД-4-45, ПНЯ-4+1-45, ПН-4-45, ПЛН-5-35 каби бир томонга ағдарадиган плуглар билан ҳайдашдан олдин дала кенглиги 40-50 метрли бўлакларга бўлинади ва ҳар қайси бўлакда агрегатнинг иш йўли белгилаб чиқилади.

Бўлаклар ичкарига ёки ташқарига ағдариб ҳайдалиши мумкин. Ичкарига ағдариб ҳайдашда шудгорлаш бўлакнинг ўртасидан бошланиб, даланинг охирига етганда плуг ўнг томонга бурилади ва тупроқ биринчи ҳайдалган томонга ағдарилади. Бўлакнинг ўртасида марза (пушта) ҳосил бўлади. Кейинги ҳайдашлар шу йўсинда давом эттирилиб, тупроқ ҳамма вақт пушта томонга ағдарилади.

Ташқарига ағдариб ҳайдашда плуг бўлакнинг ўнг четкасидан бошлаб, охирига етганда чапга айланади ва бўлакнинг чап четкасини ҳайдашни давом эттиради. Шу тариқа агрегат бўлак ўртасига яқинлашади ва эгат ҳосил бўлади.

Ичкарига ағдариб ҳайдаш учун агрегатнинг биринчи ўтишида плугнинг биринчи корпуси дала юзасига сирпаниб юрадиган, охирги корпуси эса белгиланган чуқурликда ишлайдиган қилиб ростланади. Агрегатнинг иккинчи ўтишида биринчи корпус ҳам белгиланган чуқурликда ишлайди ва у биринчи ўтишда охиргидан олдинги корпус юрган издан юргизилади. Учинчи ўтишда ер одатдагидек ҳайдалади.

Ер айланма плуглар билан ҳайдалганда дала бўлакларга бўлинмайди, чунки уларнинг корпуслари ўнгга ва чапга ағдарадиган бўлганлиги учун дала бир четкадан ҳайдалаверади.

Кўп йиллик бегона ўтлар босган ерларни икки ярусли плуглар (ПД-4-45, ПНЯ-4+1-45) билан шудгорлаш катта самара беради, чунки бундай плуглар тупроқ ҳайдов қатламини икки қисмга (ярусга) ажратиб ва улар ўринларини алмаштириб ағдаради. Натижада ўсимлик қолдиқлари, бегона ўтлар ва уларнинг уруғларининг чуқур кўмилиши таъминланади. Ўтказилган кўп йиллик тажрибаларга кўра, икки ярусли плуглар билан шудгор қилинган далаларда бегона ўтларнинг униб чиқиши 2-3 баравар камаяди, пахта ҳосилдорлиги гектарига 2-3 центнерга ошади.

Кам унум, қум ва шағал қатлами мавжуд ерларда ҳайдов чуқурлиги шундай танланиши керакки, токи бунда қум билан шағал ер бетига ағдарилиб чиқмайдиган бўлсин.

Бедапоялар икки ярусли плугларда 35-40 см. чуқурликда ҳайдалиши даркор. Беда баҳорда кўклаб кетишининг олдини олиш учун плугнинг юқори ярус корпусларига қамраш кенглиги 200 мм. бўлган махсус чап кесувчи пичоқлар ўрнатиш керак ёки ҳайдовдан олдин бедапояларга ағдаргичлари олиб ташланган плуглар билан юза ишлов берилиши лозим.

**Сифатни назорат қилиш.** Плугнинг иш сифатини белгиловчи агротехник талаблар орасида ҳайдаш чуқурлиги ва унинг бир текисда бўлиши ҳамда бегона ўтлар, уларнинг уруғи ва илдизларининг кўмилиш чуқурлиги муҳим ҳисобланади. Чуқурлик эгат ўлчагич ёки оддий чизғич билан аниқланади. Бунинг учун плугнинг охирги корпуси қолдирган эгат чуқурлиги 25 жойдан ўлчанади. Кейин ҳамма ўлчов кўрсаткичлари қўшилиб, ўртача кўрсаткич аниқланади. Сифатли ҳайдалган ерларда ҳайдаш чуқурлиги агроном томонидан ўрнатилган кўрсаткичдан ±2 см. дан ортиқ бўлмаслиги керак. Бегона ўтларнинг кўмилиш чуқурлиги ҳам даланинг 25 жойидан ҳайдалган ерни ковлаб ва шудгор юзасидан бегона ўт ётган жойгача бўлган масофа ўлчаб аниқланади. Ўртача кўрсаткич икки ярусли плугларда 20, умумий ишларга мўлжалланган плугларда эса 10 см. дан кам бўлмаслиги лозим.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ерларни узоқ йиллар мобайнида бир хил чуқурликда ҳайдаш ва тракторлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ғилдираклари остида топталиши тупроқнинг ҳайдов ости қатлами зичланиб кетишига олиб келади. Бу ўсимликлар ҳаво ва озуқа режимининг бузилиши ҳамда ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади. Шунинг учун барча далалар 2-3 йилда бир марта 50-55 см. чуқурликда юмшатилиши лозим. Бунда ГРП-3/5, ГНУ-1МС ва хўжаликларда мавжуд бўлган бошқа русумдаги чуқур юмшаткичлардан фойдаланилади.

**Абдусалим ТЎХТАҚЎЗИЕВ,**
**Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,**
*Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти олимлари, техника фанлари докторлари.*

○ Реклама ва эълонлар

## «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ очиқ танловга таклиф этади!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилояти Бухоро шаҳар ҳокимининг 2013 йил 15 октябрдаги 1397Қ-сонли қарорига асосан юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун Омборхона биноси қуриш учун ажратилган Бухоро вилояти Бухоро шаҳар Саноатчилар кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 75,0 кв.метрдан ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 169 460 сўм.**

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача (тушлик вақти 13:00 дан 14:00 гача) қабул қилинади ва 2014 йил 17 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2014 йил 18 декабрь куни соат 11:00 да очилади, 2014 йил 18 декабрь куни соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши дея эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади. Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 18 декабрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йилнинг 25 декабрь куни соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 24 декабрь соат 18:00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2014 йил 25 декабрь куни соат 11:00 да очилади, 2014 йил 25 декабрь куни соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ташкилотчиси** — “BUXORO GLOBAL REALTOR” МЧЖ. **Манзили:** Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй. **Тел:** (+99893) 960-69-00, факс: (0-365) 221-54-43. **Электрон почта:** www.bgr.gl.uz.

***Лицензия № RL 0171.***

*Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг қуйидаги банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ДТ “Халқ банки” Бухоро филиали, ҳ/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СИТР 302668377.*

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Сурхондарё вилояти Ангор тумани М.Азизов номли СИУдаги 150 гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш ишлари.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 143,657 млн. сўм, ҚҚСсиз 119,714 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 60 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси. Манзили: Термиз шаҳри Малик Қаххор кўчаси 10-уй. Тел/факс: 221-74-36.

**Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш:** Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш нобудгарчиликлар ўрнини қоплаш тартибида тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

*2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат “Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестри”га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.*

**Танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **«Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар Тараққиёт кўчаси 31а-уй. Телефон/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78 ф.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 70 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда Термиз шаҳар Тараққиёт кўчаси 31а-уйда ўтказилади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (17.02.2014 й., реестр № 007396-04) рўйхатдан ўтган “ASIA TRADE NET” ХК ташкилий-ҳуқуқий шакли “ASIA TRADE NET” МЧЖга ўзгартирилишини маълум қилади. Тел.: 585-84-28.

Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРЎИда (реестр № 007881-10, 06.11.2012 й.) давлат рўйхатига олинган “ALIBABA TEXTILE” МЧЖ (СТИР 302415106) 12.11.2014 й.даги 1-сонли мажлис баённомасига асосан тугатиш жараёнига киритилди. Даъво талаблари 2 ой муддат ичида Тошкент ш. Юнусобод т. 11-мавзе 12-уй 1-хонадонда қабул қилинади.

Тошкент ш. Юнусобод т.даги “MESOBELLY” ХКнинг Юнусобод т. ТСРЎИ томонидан 08.04.2004 й.даги 000354-10-сонли Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО “SAIDAMIR NEFT BUSINESS” (ИНН 303048625) сообщает об изменении формы собственности с ООО на Частное предприятие. Тел.: +99894 689-30-00.

Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРЎИда (реестр № 004318-10, 10.10.2012 й.) давлат рўйхатига олинган Тошкент ш. Юнусобод т. А.Темур кўч. 107-уйда жойлашган “PIAR MEDIA” МЧЖ (СТИР 302253640) 11.11.2014 й.даги 1-сонли мажлис баённомасига асосан тугатиш жараёнига киритилди. Даъво талаблари 2 ой муддат ичида қабул қилинади.

АТИБ Ипотека банк Юнусобод филиали томонидан Илхамджанов Мухтар Меминджанович номига берилган 0402005 шаклидаги серияси IPBJ 2183154 номерли тўлов паттаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО Теннисный клуб “PAXTAKOR TENNIS” (ИНН 200895131) зарегистрированное ИРСП Шайхантахурского р-на г. Ташкента расположенное по адресу: ул. Узбекистанская, 98 а стадион “Пахтакор” ликвидируется (решение от 12.11.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

“AVANT-AVTO” МЧЖ ўз устав жамғармасини 1 453 700 426 сўмдан 600 000 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Утерянный план квартиры расположенной по адресу: Чиланзар 11, 53, 54 выданный Учтепинским БТИ на имя Норматова Мухаммада Ешдавлат угли, считать недействительным.









Қорақалпоғистон Республикаси

БОЛАЛАР СПОРТИ

# БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

***Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўзининг ёрқин самарасини бермоқда. Бугун юртимизнинг туман ва шаҳарларида, чекка қишлоқларида қад ростлаган замонавий спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари, спорт майдончалари фикримизнинг яққол далилидир. Уларда минглаб ўғил-қизларимиз спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиш имконига эга бўлмоқда.***


Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Нукус шаҳар ихтисослаштирилган Олимпия захиралари спорт мактабида спортнинг дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, миллий кураш, белбоғли кураш ва каратэ турлари бўйича 600 нафардан зиёд ўғил-қизлар мунтазам шуғулланиб келмоқда. Уларга 26 нафар мураббий-ўқитувчи спортнинг барча сир-асрорларини ўргатмоқда. Кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Серик Жусипбеков, каратэ бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар устози Рустам Казаков, белбоғли кураш бўйича Қорақалпоғистон терма жамоасининг катта мураббийи Шарап Сариев, эркин кураш устаси, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий М.Каўкешов, халқаро тоифадаги ҳакам Бегдулло Ўразбоев каби тажрибали мураббийларнинг шогирдлари нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки халқаро мусобақаларда ҳам муносиб иштирок этиб келмоқда. Жумладан, олимпия захиралари спорт мактаби тарбияланувчиси Эргаш Айтбоев касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида Наманган шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод – 2014" мусобақасида дзюдо бўйича ўз вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти талабаси Элёр Машарипов яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро Гран-при мусобақасида бронза медали соҳибига айланди.

Жорий йилнинг февраль ойида Сурхондарё вилоятида миллий кураш бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида Омонгул Алланазарова, Жулдуз Мустафоева, Санаойим Еркинбоева, июнь ойида Наманган вилоятида миллий кураш бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида ўғил болалар ўртасида Эргаш Айтбоев, қизлар ўртасида Қундуз Байманова муносиб иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олди.

Олимпия захиралари спорт мактаби тарбияланувчилари белбоғли кураш бўйича ҳам яхши натижаларни қайд этиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўзида Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақаларида уч нафар спортчи биринчи, беш нафари иккинчи ва ўн беш нафари учинчи ўринларни эгаллашди. Каратэ бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Рустам Казаковнинг шогирдларидан бир қатори Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Улардан Замира Алиева айни вақтда Германияда каратэ-до бўйича давом этаётган жаҳон чемпионатида иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, Қундуз Байманова миллий кураш бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда. Шунингдек, Омонгул Алланазарова ва Жулдуз Мустафоевалар Ўзбекистон терма жамоаси таркибида жорий йилнинг декабрь ойида Таиландда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларида иштирок этади.

– Яқин вақт ичида мактабимизда 1 миллиард 296 миллион сўмлик қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди, – дейди спорт мактабининг директори Бахий Жумамуратов. – Мактабимиз 190 миллион сўмлик инвентарлар билан таъминланди. Бундан ташқари, мактабимизга қарашли дюздо ва кураш заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон дзюдо федерацияси томонидан янги залга 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвентар, Ўзбекистон каратэ федерацияси томонидан ёш спортчиларга 70 миллион сўмлик татами совға қилинди.

Жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган иншоотларда машғулот олиб бориш мураббийлар учун ҳам, тарбияланувчилар учун ҳам катта имконият бермоқда. Бунга жавобан эса ёш спортчиларимиз жаҳон ва Осиё биринчиликларида, халқаро турнирларда совриндорлар қаторидан жой эгаллаб, мамлакатимиз байроғини баланд кўтариб келмоқда. Мураббийларимизнинг тинимсиз меҳнатлари натижасида ўтган йилнинг ўзида мактабда бир нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 9 нафар Ўзбекистон спорт устаси, 46 нафар спорт усталигига номзодлар тайёрланди. Бугунги кунда 11 нафар спорт мактаби тарбияланувчилари Ўзбекистон терма жамоасининг асосий, 10 нафари захира таркибига қабул қилинди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

## СИРИ КЎП, ШИФОСИ ХЎБ

*Саримсоқ – энг кўп тарқалган доривор ўсимлик. Унинг таркиби калий, магний, фосфор, кальций, йод минералларига ва руҳ, марганец, селен микроэлементларига бой. Қолаверса, қанд, С,В витаминлар, эфир мойи, фитонцидлар бор.*



Саримсоқни озиқ-овқатда, тиббиётда, ветеринарияда, сабзавотларни концервалашда ишлатамиз. Саримсоқнинг жуда кўп хусусиятлари мавжуд. Уни фақатгина рўзғорда ишлатибгина қолмасдан, тиббиётда ҳам кенг қўллаш мумкин. Масалан, уй шароитида саримсоқпиёзнинг 3-4 доначаларини бир литр сутга қирғичдан ўтказиб солиб, бир стакан қолгунча қайнатилса, ажойиб доривор қайнатма ҳосил бўлади. Ундан бир кунда 4-5 марта ичилса, йўталдан холи этади. Агар саримсоқ ҳар куни овқат билан истеъмол қилинса, ичакларда гижжа қуртлари бўлмайди. Саримсоқ соч тўкилиши, бошдаги қазғоқни йўқотишда ҳам фойда беради. Иштаҳа очувчи неъмат ҳисобланган саримсоқ тишларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

## ЛИМОН – САНИТАР ЎСИМЛИК

*Цитруслар туркумига кирувчи лимон инсон танаси учун санитар ўсимлик ҳисобланади. Бу унинг таркиби шифога бойлиги билан изоҳланади.*



Лимон шарбати таркибида 3,5-8,1 % кислота (асосан, лимон кислота), 1,9-3,0 % қанд, витамин С (100 граммида 45-145 мг), РР ва В ҳамда пектин моддалар, темир, фосфор, калий, кальций ва магний тузлари ҳам бор.

Лимон асосан қандолат маҳсулотлари тайёрлашда шарбат, лимонад, лимон кислота олишда ишлатилади. Бундан ташқари, лимондан кислота тайёрланади. Лимон кислотаси – уч асосли органик кислота, тиниқ кристаллардан иборат рангсиз, ҳидсиз моддадир. Лимон кислота ва унинг тузлари озиқ-овқат саноатида, тиббиётда металлар юзасини қурум ва зангдан тозалашда ва органик синтезда қўлланилади.

Уй шароитида лимондан фойдаланиш жуда оддий. Оддийгина бир тавсия: 1 килограмм лимонни яхшилаб ювасиз кейин уни ярим ой шаклида кесиб олиб, устидан 1 килограмм шакар сепиб банкага жойлаштирасиз ва музлаткичда сақлайсиз. Қиш кунлари шамоллаганингизда ундан бир бўлагини чойга солиб ичсангиз, иссиғингизни туширади ва шамоллашдан халос бўласиз. Лимон мураббоси ҳам қиш кунлари дармондори бўлади.

**Нафиса РАИМҚУЛОВА**
**тайёрлади.**

БОЖХОНА НАЗОРАТИ

*Мамлакатимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, соғлом рақобат муҳитини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*



# КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ ИСИТМАСИ, ТОВАРНИ ЯШИРСАНГ...

Аммо "гўшт суяксиз, гуруч курмаксиз бўлмайди" деганларидек, баъзи "тадбиркор"лар даромад орттириш илинжида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари учун яратилаётган шарт-шароитларни суистеъмол қилишга уринишмоқда. Жумладан, божхона чегаралари орқали олиб ўтаётган товар-моддий бойликларини божхона назоратидан яшириб ҳамда божхона расмийлаштируви бўйича ҳужжатларга маълумотларни нотўғри киритиш йўли билан белгиланган божхона тўловларини тўлашдан бўйин тортишга ҳаракат қилишмоқда.

Давлат бюджетига ундириладиган божхона тўловларининг тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишини таъминлаш, шунингдек, юқоридаги каби божхона қоидабузарликларининг олдини олиш мақсадида республикамиз божхоначилари томонидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Тошкент-товар" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан пойтахтимиздаги "R.T.S.P" МЧЖ (*мақолада ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг номлари ўзгартириб кўрсатилган*) томонидан Хитойдан келтирилган трактор эҳтиёт қисмлари божхона кўригидан ўтказилганда мазкур товарлар юк-кузатув ҳужжатларида қайд этилганига нисбатан салкам 14,5 тонна оғир эканлиги аниқланди. Божхона юк декларациясидан "тушиб" қолган мазкур ортиқча эҳтиёт қисмларнинг умумий қиймати 75 миллион сўмни ташкил қилиши аниқланди.

Шунингдек, пост ходимлари томонидан "G.D.B." МЧЖга тегишли хўжалик товарлари кўздан кечирилганда мазкур ташкилот Бирлашган Араб Амирликларидан 32 миллион сўм қийматдаги 7,5 минг донага яқин хўжалик буюмларини ортиқча олиб киргани маълум бўлди.

Хусусий тадбиркор А.Р. номига Хитойдан келтирилган электр ускуналарига тегишли юк-кузатув ҳужжатлари ва божхона юк декларациясини расмийлаштириш чоғида божхоначилар ҳужжатларда қайд этилган рақамларнинг мавжуд товарлар миқдорига нисбатан тафовут қилишини пайқаб қолишди. Натижада, ҳужжатларда кўрсатилмаган қиймати 13 миллион сўмдан ортиқ, салкам 600 дона турли хил хўжалик молларининг ҳеч қандай божхона тўловларисиз ички бозорга киритилишининг олди олинди.

Пойтахтимиздаги "Сирғали" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан ҳам шу турдаги қонунбузарликларга чек қўйилди. Жумладан, "Р.Т." МЧЖ номига Хитойдан келтирилган амортизаторларнинг ҳужжатларига асосланилса, гўё ҳаммаси рисоладагидек. Аммо, уларни божхона кўригидан ўтказиш натижасида 24 миллион сўм қийматдаги 1,5 тонна оғирликка тенг амортизарторлар ҳужжатлардан "тушиб" қолдирилгани фош бўлди!

Темир йўл контейнерларидан бирини кўздан кечириш вақтида хусусий тадбиркор Н.Б. номига келтирилган косметика воситалари ва хўжалик буюмлари орасига юк-кузатув ҳужжатларида кўрсатилмаган 550 кг. оғирликдаги стол лампаларининг қандай қилиб тушиб қолгани ҳозирда "Чуқурсой" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан суриштирилмоқда.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг $227^{22}$-моддасига биноан божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни декларацияламаслик ёки нотўғри декларациялаш, яъни товарлар, уларнинг божхона режими ва бошқалар ҳақида божхона мақсадлари учун зарур бўлган, белгиланган ёзма, оғзаки ёки бошқа шаклдаги маълумотларни бермаслик ёхуд нотўғри маълумотлар бериш, агар жиноят аломатлари бўлмаса, фуқароларга товарларини мусодара қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нотўғри маълумотларни кўрсатиш, бу маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш, уларни талаб этилаётган божхона режимига жойлаштириш, божхона тўловлари миқдори тўғрисида божхона органи томонидан қарор қабул қилинишига таъсир этмаган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати**

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Тошкентда «Узлуксиз таълим тизимида ҳамкорлик педагогикаси» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда хорижий давлатлар университетларидан профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори Ш.Шарипов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида фарзандларимизни билимли, юксак салоҳиятли, жисмонан ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялашнинг яхлит механизми шакллантирилди.

Соҳадаги ислоҳотлар жараёнида таълим тизимини ахборотлаштириш, ўқитишга илғор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги изчил ишлар самарасида таълим масканлари ўртасида ягона таълим тармоғини ташкил этиш, электрон дарсликлардан оқилона фойдаланиш, хорижий таълим масканлари билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш имкониятлари ортмоқда.

Тадбирда умумтаълим фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш, соҳага педагогик технологияларни жорий этиш, мутахассис ва ёшлар ҳамкорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Мазкур анжуман таълим тизимидаги илғор тажриба борасида хорижлик мутахассислар билан фикр алмашиш имкониятини берди, – дейди университетнинг илмий ишлар бўйича проректори Ж.Тоҳиров. – Ушбу соҳадаги ўзгаришларни кенг оммалаштириш, юртимиз ва хорижий билим даргоҳларидаги профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

BELARUS CENTER
belarus-tractor.com
mtz.uz
В наличии

(+998 90) 129-86-00
(+998 71) 269-53-03
Услуги лицензированы

АГРОТЕХНИКА
~ Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
~ Боғ ва ферма учун тракторлар
~ Гусеницали тракторлар
~ Пресподборшик
~ Ғўзапоя ўрадиган комбайн
~ Ўт ўрадиган комбайн
~ Макка ўрадиган комбайн
~ Жўхори йиғувчи комбайн
~ Косилка КИР 1,5
~ Сомон йиғувчи мосламалар
~ Картошка терадиган комбайн
~ Картошка экадиган комбайн
~ Буғдой экадиган сеялка
~ Пахта экадиган сеялка
~ Дори сепадиган мосламалар
~ Сачратиб суғорувчи мосламалар
~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
~ Культиваторлар
~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг
~ Чизель, борона
~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
~ Траншеекопатель, ямобур

(+99871) 150-58-58
150-68-68
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
SN INVEST Маҳсулот сертификатланган
Буюртма асосида

ТЕХНОПАРК
ШОШИЛИНГ, АРЗОН НАРХЛАРДА!
Тошкентдаги омборхонадан турли хилдаги янги қишлоқ хўжалиги техникаларини таклиф этамиз:
1. Экскаватор-погрузчиклар ЭП-25 (МТЗ 82.1)
2. Фронтал погрузчиклар П-11 (МТЗ 1221)
3. Пресс-подборшиклар (PVP-351 Claas лицензияси асосида)
4. Тракторлар (МТЗ Беларус)
5. Омочлар
6. Картошка экиш сеялкаси ва картошка ковлаш агрегати
7. Бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари

Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Лизинг хизматлари мавжуд.
Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Халқаро Бизнес Маркази 3-қават.
Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 550-40-22, (+99894) 666-67-10, (+99890) 990-78-80.
Омборимиз манзили: Тошкент шаҳри Бектемир тумани ТҲАЙ Янгиобод бозори яқинида (Promzona.uz).
Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (23.11.2011 й., реестр № 003991-01) рўйхатдан ўтган "SUPER SAVDO GROUP" МЧЖ (ИНН 300986600) 1-сонли умумий мажлис баённомасига асосан Учтепа т. ТСРЎИда (20.04.2012 й., реестр № 005121-01) рўйхатдан ўтган "TAQACHI TA'MIR" МЧЖга (ИНН 302279995) бирлаштирилаётганини маълум қилади. "SUPER SAVDO GROUP" МЧЖ ва "TAQACHI TA'MIR" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича "TAQACHI TA'MIR" МЧЖ жавобгар ҳисобланади. Даъволар Тақачи кўч. 46-уй манзили орқали қабул қилинади.

Қарши шаҳридаги "Агриомед" шифо маскани жамоаси ушбу муассаса раҳбари Собир Раҳимовга волидаи муҳтарамаси

**Маърифат аянинг**

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99890) 310-06-99; **Навоий** – (+99891) 332-00-88; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99893) 994-57-08; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** Ж.ЭШНИЁЗОВ
**Мусаҳҳиҳ:** С.ЗИЁДУЛЛАЕВ
**Дизайнер:** Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1119, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.10
15955 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5